

**НЕГА ШУНДАЙ
БЎЛДИ?**

PROKUROR
PROTESTI BILAN

3-бет



4-бет



5-бет



7-бет

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

13

(276)

YURIDIK GAZETA

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

E-mail: huquq@Infonet.uz

Апрел

D	7	14	21	28	
S	1	8	15	22	29
Ch	✓ 2	9	16	23	30
P	3	10	17	24	
J	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Y	6	13	20	27	

2003

SHU SONGA XABAR

МАТБУОТДА ХУҚУҚ МАВЗУСИ

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида мамлакат Президентининг 2002 йил 30 сентябрдаги фармойиши билан тасдиқланган дастурга мувофиқ Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, ИИБ, ЎзА, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва кўллаб-қувватлаш жамғармаси вакиллари ҳамда ҳуқуқий мавзуда ёзаётган журналистлар иштирокида «Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли: муаммо ва ечимлар» мавзусида минтакавий илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда иштирок этган Конституциявий суд судьяси У.Бозоров конституциявий суд фаолиятида ислохотлар ва уларнинг ОАВда ёритилиши масалалари, Бош прокуратуранинг ўқув маркази директори Э.Абзалов прокуратура соҳасидаги ислохотлар, уларни тарғиб қилишда ОАВ билан ҳамкорлик, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва кўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раисининг ўринбосари Н.Очилов журналистларнинг суд-ҳуқуқ соҳасига ихтисослашиши муаммолари мавзусида маърузалар қилишди.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

(Ўз муҳбиримиз)



— Биз ҳам боғ яратамиз!

Абдувоҳид ТўРАЕВ олган сурат

Чоршанбадан Чоршанбагача

26 МАРТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида 24 апрель куни ўз ишини бошлайдиган парламентнинг ўн биринчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлисида «Ўзбекистонда ахборот ва коммуникация технологиялари тараққиётининг ҳуқуқий асослари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Пойтахтимиздаги «Ўзқўрғазмасавдо» марказида мамлакатимиз Президентини совринлари учун «Ташаббус-2003» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

28 МАРТ

Тошкентдаги Дўстлик жамиятлари кенгашида хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантириш масалаларига бағишлаган йиғилиш бўлиб ўтди.

31 МАРТ

Тошкент давлат юридик институтида Ўзбекистон адвокатлар уюшмаси билан ҳамкорликда мамлакатимизда адвокатурани ислох қилиш муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

АНЖУМАН

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛМИЗ

Куни кеча Хоразм вилоят прокуратурасида вилоят ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Қ.Саъдуллаевнинг вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишининг сабаблари ва унинг олдини олиш борасидаги вазифалар ҳақида ахбороти эшитилди.

Маърузада таъкидланганидек, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ва мутасадди ташкилотлар томонидан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Лекин бу борада қатор камчиликлар ҳам кўзга ташланади.

2001 йилда 36 нафар вояга етмаган ўсмир томонидан 42 та жиноят содир қилинган бўлса, 2002 йилда 45 нафар ўсмир

томонидан 46 та жиноят содир қилинган. Жорий йилнинг ўтган 2 ойи мобайнида 14 нафар ўсмир содир этган 14 та жиноят аниқланган. Вояга етмаганлар содир қилган ҳуқуқбузарликлар 2002 йилда олдинги йилга нисбатан 36 фоизга, жорий йилда 18 фоизга камайишига эришилган.

Мажлисида Хоразм вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари О. Ҳайитбоев, вилоят ХТБ бошлиғи П.Урозов, вилоят ИИБ ВЕН катта ноистри М.Худойбергандов, Урганч шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги комиссия раиси ўринбосари Р.Собуров ушбу мавзу юзасидан сўзга чиқдилар.

Мажлисида кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Нуриддин ОКНАЗАРОВ,
«HUQUQ» муҳбири

Моҳият

Қаноат — бир чашмадирки, олган билан унинг суви қуримайди, бир хазинадирки, ундаги бойлик сочилган билан камаймайди... Ҳар ким қаноатга одатланган бўлса, шохлик — гадолик ташвишини билмайди.

Алишер НАВОИЙ

PROKUROR NAZORATI

Пойтахтимизнинг Собир Рахимов туманида жойлашган «Ёшлик» талабалар шаҳарчасини нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам яхши билишади. Шаҳарча худудида жойлашган 23 та олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида, лицей ҳамда малака қўллаб ўқув муассасалари билан бирга, мазкур ўқув даргоҳларига қарашли ётоқхоналарни ҳам ўз ичига олади. Айни пайтда 17 та ўқув муассасасига қарашли 42 та ётоқхонада 9 мингга яқин талаба ва ўқувчи ёшлар, аспирант ва докторантлар истиқомат қилади. Шунинг ҳам эътирофи эътиш кераки, юртимиз интеллектуал салоҳиятининг бугуни ва эртаси кўп жиҳатдан айнан мана шу шаҳарчада кўнм топан ёш йигит-қизларимизга, уларга қаратилган ёш эътиборга боғлиқ. Уларга берилаётган эътибор эса эртага ўрнимизга келадиган авлоднинг савия ва малакаси замон талабларига жавоб бера олишини таъмин этади.

Яқинда Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ёшларнинг таълим-тарбияси, соғлиги ва ижтимоий муҳофазаси, шунингдек шаҳарчада жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишга қаратилган қўнулар ижроси юзасидан текширувлар ўтказилди. Асосан ёшлар маскани бўлган мазкур шаҳарча ҳуқуқ-тартибот органлари, хусусан, пойтахт прокуратурасининг доимий назоратида. Талабалар жамоаларида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, профилактика ишлар олиб бориш ва шу йўсинда талабалар

ВАТАН ИСТИКБОЛИГИГА ЭЪТИВОР

...XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ кучли бўлади? Бу саволга аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, орномусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат деб жавоб қайтариш мумкин.

Ислом КАРИМОВ

турмуш тарзи билан яқиндан танишиш борасида мунтазам равишда тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Хўш, бу тадбирлар қандай мақсадларни кўзда тутилади ва қандай самара бермоқда?

Ўз номидан аёнки, «Ёшлик» шаҳарчасида истиқомат қилаётганлар асосан ёшлардан иборат. Уларнинг ҳуқуқий ҳимояси, ижтимоий муҳофазаси муҳим вазифалардан саналади. Ёшларнинг келажакда етук инсон, малакали мутахассис бўлиб етишуви уларга кўрсатилган бугунги ғамхўрликлар билан ўлчанади. Қолаверса, мамлакатимизнинг турли вилоятлари, шаҳар ва қишлоқларидан келиб таҳсил олаётган ёшларнинг шахс бўлиб шаклланишида бу ердаги муҳит муҳим ўрин тутди.

Маълумки, халқимизда оила азалдан таълим-тарбия ўчоғи санаб келинган. Лекин ўз оиласидан

узқоқда, аралаш ахлоқий ва ижтимоий қадриятлар қуршоғида қолган ёш йигит ёки қиз қайси йўлни тутуши керак? Ҳамма гап мана шунда. Ана шу жараёнда уларнинг гайриижтимоий таъбирларга берилиб кетмаслиги ёшлар тарбиясига масъул институтлар, хусусан ҳуқуқ-тартибот органлари зиммасига ҳам катта вазифалар юклайди. Ёшларга энг мақбул йўл бу қўнулар асосидаги ҳаёт тарзи эканлигини аниқлаш бош вазифа саналиши керак. Шу билан бирга, уларни ижтимоий муҳофаз қилиш, ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш зарур бўлади.

Шу маънода, ўтган йилнинг ёзда шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган текширувларда бир қатор қўнубузилиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли прокурорлик чоралари қўлланилган эди. Жумладан, текширув натижаларига кўра Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, шаҳар ИИББ бошлиғига, Собир Рахимов туман ҳокимига тақдимномалар киритилган. «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими оғохлантирилган, бир қанча масъул ходимларга нисбатан интизомий жавобгарликка доир ишлар кўзга ташланган эди. Натيجида ижтимоий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади.

Масалан, ТДТУ томонидан 200 млн. дан ортқ, ЎзМУ томонидан 77,4 млн., 2-ТошМИ томонидан 43,9 млн., ТДЮИ томонидан 29,1 млн. ва бошқа ўқув юртлири томонидан жами 424 млн. сўмдан ортқ маблағ ажратилиб, қурилиш

таъмирлаш ишлари олиб борилади. Турли маиший техника жиҳозлари, мебел ва спорт буюмлари харид қилиниб, талабалар ихтиёрига топширилди.

Турган гапки, бундан талабаларнинг бўш вақтларига мазмун кирди, уларнинг маданий дам олишлари, спорт билан шугулланишлари учун шароит етилди. Фанларни ўзлаштиришда, спортда ютуқлар кўзга ташлана бошлади. Энг муҳими — талабалар шаҳарчасида жиноятчилик сезиларли равишда камайди.

Ётоқхоналарнинг «Талабалар уйи» деб юритилиши бежиз эмас. Чунки муайян мuddат шу ерда истиқомат қилаётган талаба уни ўз уйи деб билади ва табиийки, унда барча қулайликлар бўлишини истайди. Ҳозирда талабалар уйларида барча зарурий қулайликлар яратиб берилмоқда. Буни талабалар

билан мулоқот чоғида уларнинг ўзлари ҳам эътироф этишмоқда.

Бирок, қилинаётган ижобий ишлар билан бирга, турли нуқсон ва камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шаҳарчадаги ётоқхона биноларининг аксари 60-70-йилларда қурилганлиги сабаб жиддий таъмирлаш зарурати пайдо бўлган. Қўллаб ётоқхоналар таъмирга муҳтож. Шу каби бошқа камчиликлар прокуратура томонидан ўтказилган олдинги текширишларда ҳам аниқланиб, бартараф этиш талаб этилган бўлса-да, маблағ етишмаслиги

сабабидан ҳамон ўз ечимини топмай келмоқда.

Бундан бир неча йиллар илгари Президентимиз баркамол авлод ҳақида куйиниб гапирар экан, шундай деган эди: «...Янги минг йилликда давлатларнинг, халқларнинг тақдирини моддий бойлик эмас, интеллектуал, яъни маънавий-маърифий бойлик ҳал қилади». Шундай экан, эртанги зотиё — бугунги талабага етарли шароит яратиб бериш шу куннинг долзарб вазифаси саналади.

М.МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратурининг биринчи ўринбосари

VAZIRLAR MAHKAMASIDAGI YIG'ILISHDAN SO'NG

Кундалик ҳаётимиз учун энг муҳим нарса нима? Бу саволга барча бирдек жавоб беради: сув, газ, чирок... Ҳа, буларсиз турмушимизни тасаввур қилиш қийин. Қолаверса, иқтисодийнинг қўллаб тармоқлари ҳам моддий ресурс ва энергетика захираларидан кенг фойдаланади. Шундай экан, улардан тежаб-тергаб фойдаланишни давримизнинг бош вазифаларидан бири сифатида эътироф этиш лозим.

Бухоро вилояти прокуратурасининг умумий назорат бўлими бошлиғи Саид Шодиев билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Саид ака, фан ва техниканинг ривожланиши, инсоният турмуш тарзи юксалиши баробарида сайёрамиз ахли глобал муаммоларга дуч келмоқда. Булардан энг ташвишланарлиси — табиий ҳолати, сув ва энергетика захираларини қамқаб бораётгани...

— Тўғри. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ва одамлар яшаш даражасининг юқорилаши билан бу бойликларга талаб ошмоқда. Захиралар эса кун сайин камаймоқда. Бу муаммо Ердаги барча аҳолига дахлдор. Улкан моддий ресурслар захирасига эга Ўзбекистон учун ҳам мазкур муаммо бегона эмас. Шу боис, мамлакатимиз мустақилликка эришган, табиати асраш, унинг захираларидан тежамкорлик билан фойдаланиш борасида катта ишлар қилинди. Айнан шу эзгу мақсадга хизмат қиладиган қатор қўнулар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

ҚОНУН ТАЛАБИ -

ТЕЖАМКОРЛИК

ий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги маърузасида ер, табиий газ, сув ва электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш фаровон ҳаёт гарови эканлигини таъкидлади.

Табиат бойлиқларини тежаш, улардан самарали фойдаланиш бизга ота-боболардан мерос фазилат. Аждодларимиз уларни муқаддас деб билган ва қадрлаган. Зотан, моддий ресурсларни тежаш, асраш ва қўлайтириш келажак авлод ҳақида қайғуриш дегани ҳамдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, «Обод маҳалла йили»да аҳоли турмуш даражасини кўтариш, ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш йўлида олиб борилаётган тадбирлар қарови янада кенгайди. Фаровонлик ошишининг энг муҳим шарты эса тежамкорлик билан боғлиқ. Маҳалла ободлигига ҳам шу йўл билан эришамиз. Менимча, бу иш ҳар бир фуқаронинг жамият ва келажак авлод олдидagi бурчи даражасига кўтарилиши лозим.

— Вилоятда сув, табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланишда қўнубузарликка йўл қўйиш ҳолатлари мавжудми?

— Табиати асраш, унинг бойлиқларини тежашга оид қўну, фармон ва қарорлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратганимиз. Текшириш-

ларда санитария, экология, стандартлар талабини қўпол равишда бузиш, сув, газ ва электрдан ноқўнуний фойдаланиш ёки уларнинг ҳақини ўз вақтида тўламаслик каби қўллаб ҳолатлар аниқланди.

Вилоят бўйича газ қувурларининг узунлиги 7514,6 километрни ташкил этади. 2002 йилда 234,635 абонентга 1 млрд. 580 млн. кубометрдан кўпроқ газ етказиб берилган. Вилоят электр тармоқлар шўба корхонаси эса 249 минг хонадон ва қарийб 11 мингта корхона, ташкилотга хизмат кўрсатди. Бултўр истеъмолчиларга 2 млрд. 224 млн. киловатт-соат электр энергияси етказиб берилган. Рақамларга эътибор берсак, давлатимиз газ ва электр-ни истеъмолчиларга узлуқсиз етказиб бериш учун барча ишларни қилаётганини кўраемиз. Буни билган билади, билмаган эса... Бундай дейишимизнинг сабаби бор, албатта.

Жойларда халқ бойлигидан ноқўнуний фойдаланиш, тўғрисида, уни ўғирлаш, қўп ҳолларда олинган маҳсулот ҳақини тўламаслик ҳолатлари учираб турибди.

Жумладан, Гиждувон туман «Ўзбекистон» ширкат ҳўжаллиги худудида жойлашган «Адолат-21» хусусий фирмаси бошлиғи Валӣ Адизов табиий газдан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, давлатга 1.342.000 сўмлик зарар

етказган. Бухоролик тадбиркор Э.Музаффаров ҳам хусусий ошхонасида «зангори олов»дан ноқўнуний равишда фойдаланиб, давлатга 172.000 сўм зарар етказган.

Ромитан туман газ таъминоти идораси бош муҳандиси Сайфулла Нуруллаев давлат ҳисобидан «хотамгой»лик қилишда устаси фаранг экан. У хизмат мавқени суиистеъмол қилиб, 62 та

хонадон табиий газдан ҳеч қандай ҳужжатсиз фойдаланишига имкон яратган. Текширишда давлатга 1 млн. сўмдан зиёд моддий зарар етказилгани аниқланиб, С.Нуруллаевга нисбатан жиноят иш қўзғатилди. Юқорида келтирилган ҳолатлар юзасидан ҳам қўнуний чоралар қўрилди.

Истеъмолчиларда газ ўлчаш асбоблари бўлмаслиги исрофгарчиликка шароит яратади. Ҳозир бунинг олдини олишда ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Ўтган йили 42.766 та, жорий йилнинг шу давригача 3 мингдан ошқан газ ўлчашчилар ўрнатилди. Табиий газ, электр энергияси ва бошқа коммунал тўловлардан 183.528.700 сўм микро-ридаги қарзлар ундирилди.

— Бундан кўриниб турибдики, бошқа моддий ресурслардан фойдаланишда ҳам шундай муаммолар бора?

— Афсуски, шундай. Биргина аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга оид қўнулар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар якуни ҳақида тўхталсам. Бу борада қўну бузилишига йўл қўйган 80 киши маъмурий, 11 киши интизомий жавобгарликка тортилди, 2 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилди.

Қонун ҳуқуқ-тартибот бўлимида яшовчи Фарход Қиличев ўзига тегишли автомобилларни ювиш устaxonасига «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқарма-

сининг рухсатисиз ичимлик суви тармоғини улаган. У МЖТКнинг 163-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилди.


Ромитан туман «Сувоқова» бошқармасининг статистика бўлимига топширилган ҳисоботида 2002 йил 10-июнча иш ҳақида қарздорлик йўқлиги ёзилган, лекин текширишда бошқама ўз ишчилари маошидан 1.331.000 сўм қарз эканлиги аниқланди. Бу ишлари учун бошқарма бошлиғи Г.Кенжаев ва бош ҳисобчи А.Менглиевалар қўну олдида жавоб беришди.

Вобқендаги мана бу қўнубузарлик кишини таажжубга солади. «Сувоқова» бошқармаси кассасига истеъмолчилардан қирим қилинган 360 минг сўм нақд пулга бошлиқ И.Ҳикматов ва бош ҳисобчи М.Маҳмудовлар ўз ҳисобидан 400 минг сўм қўшиб банкка топширадilar. Аслида бу «сахийлик» замирида чўнтақни қаплайтириш мақсади бор эди. Банкдан қайтариб олинган 700 минг сўмни иш ҳақида берилди деб сохта тўловномалар тузган бу икки мансабдор бирининг ҳақини еб бўлмаслигини жуда кеч — суднинг қора курсисидан тушунишди.

Бухоро туман «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Олим Турдиев ва бош ҳисобчиси Соҳиб Ражабов дебитор қарзлар микдорини қамқайтиришнинг янги йўлини «кашф этишди». Икки ишбилармон тумандаги 11 та корхона ва ташкилотнинг 1.330.909 сўмлик дебитор қарзини истеъмолчи аҳоли ҳисобига ўтказган. Текширишларда шунга ўхшаш бир қатор қўнубузилиш ҳолатлари аниқланди. Барча айбдорлар тегишли тартибда жавобгарликка тортилдилар.

Вилоят прокуратура идоралари бундан кейин ҳам моддий ресурсларни тежаш, улардан оқилона фойдаланишга оид фармон ва қарорлар ижросини қатъий назорат қилиб борадилар. Зеро, қонунга амал қилган жойда адолат қонор топилми, исрофгарчиликнинг пайи қирқилиши турган гап.

Суҳбатдош:
Амрулло САМАДОВ,
«HUQUQ» муҳбири



TADBIRKORLIK FAOLIYATI QONUN HIMOYASIDA

ДАЪВО ҚОНДИРИЛДИ

Давлатимиз иқтисодиётида хусусий тadbirkorlikning тутган ўрни тобора ортиб бормоқда. Шундай экан, тadbirkorlarni, деҳқон-фермерларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фақат юртимиз равнақиға хизмат қилади.

«Зафар-Навой» масъулияти чекланган жамияти «Ушелъе» жамоа корхонасидан 27 млн. 484 минг сўм ундириб бериш ҳақидаги даъво аризаси билан Навой вилояти ҳўжалик судига мурожаат қилди. Суднинг 2002 йил 12 сентябрдаги қарори билан ушбу даъво рад этилди. Апелляцияцион инстанциянинг 2002 йил 13 ноябрдаги қарорига кўра, суд қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Суд қарорларидан норози бўлган, «Зафар-Навой» МЧЖ вакиллари олий ҳўжалик судига суд қарори ва апелляцияцион инстанция қарорини бекор қилишни ҳамда ишни янгидан кўриб чиқишни сўраб кассация шикоят билан мурожаат қилди.

Иш материалларидан маълум бўлишича, Навой вилояти давлат мулкни бошқариш ва тadbirkorlikни қўллаб-қувватлаш бошқармаси 1996 йил 29 июлда «Қизилқум» ошхонасини «Зафар-Навой» корхонаси таркибидан чиқариш ҳақида буйруқ чиқарган. Ушбу буйруқнинг 1-бандига биноан ошхона «Ушелъе» жамоа мулк корхонасига айлан-тирилган.

1994 йилда мулкни давлат тасарруфига чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида «Зафар-Навой» МЧЖ таркибига кирган иншоотларнинг харид нархи 78 минг сўмни ташкил этган. Шундан «Қизилқум» ошхонасининг нархи 28930 сўм бўлиб, корхона мулкнинг 37,1 фоизига тўри келган. Л.Николаева «Қизилқум» ошхонаси раҳбари бўлганлиги сабабли, «Зафар-Навой» жамоа корхонаси пайчиларидан бири ҳисобланган. Унинг жамоа корхонасидagi ҳиссаси пай кўринишида 8300 сўмга тенг бўлиб, корхона мулк баҳосининг 10,6 фоизини ташкил қилган. «Қизилқум» ошхонасининг баҳоси эса Л.Николаеванинг жамоа корхонасидagi пай ҳиссасидан 26,4 фоиз қиммат. Вилоят давлат мулк қўмитасининг 582-пр раҳамли буйруғи 3-хатбошиси, 4 бандига асосан пайчи Л.Николаева янги ташкил этилган «Ушелъе» корхонасининг раҳбари сифатида «Навой-Зафар» жамоа корхонаси таркибидан чиқишда савдо харид шартномаси тузиш ва шу шартнома асосида ўзаро ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириши лозим эди. Афсуски бундай қилинмади. Вилоят давлат мулк қўмитасининг юқоридagi буйруғи 3-хатбошиси, 4 банди бажарилма-

ди. Л.Николаева масъулияти чекланган жамиятга айланган корхонанинг бошқа пайчилари ҳиссасидан фойдаланиб келди. Шу муносабат билан даъвогар судга «Ушелъе» фирмасидан 27 млн. 484 минг сўм ундириб беришни сўраб, мурожаат қилди. 2002 йил 1 июлда ўтказилган инвентаризация ва асосий воситаларни нархини аниқлаш далолатномасига кўра, ошхонанинг нархи 38 млн. 548 минг сўмга тенг бўлган ҳолда пайларнинг тўланмаган қисми 27 млн. 484 минг сўмни ташкил этади. Янада аниқроғи, «Зафар-Навой»нинг ташкил этилиши вақтидаги нархи 28939 сўм бўлган. Худди шу даврда Л.Николаеванинг жамоа корхонасидagi ҳиссаси 8300 сўм бўлиб, ошхона нархининг 28,7 фоизини ташкил этган. Л.Николаева ҳозиргача пайчиларга ошхона нархининг 71,3 фоизини тўламаган. Бугунги кунга келиб бу 27 млн 484 минг сўмни ташкил этмоқда. Фуқаролик кодексининг 223-моддасига асосан ҳиссадорликка асосланган мулк, қатнашчилар ўртасида ўзаро келишувга асосан бўлиниши мумкин. Ҳиссадорликка асосланган мулкни бўлишда унинг усули ва шартлари борасида қатнашчилар ўртасида ўзаро келишувга эришиб бўлмаган ҳолда қатнашчи ўз ҳақини суд йўли билан мулк шаклида ажрати олишга ҳақли.

Юқоридagiларга ва Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик процессуал кодексининг 187, 189-моддаларига асосан судлов ҳайъати даъвогар «Зафар-Навой» МЧЖнинг кассация шикоятидagi даъвосини тўла қондириш, Навой вилоят ҳўжалик судининг 2002 йил 19 сентябрдаги қарорини ва апелляцияцион инстанциясининг 13 ноябрь 2002 йилдаги қарорини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, ушбу қарорга кўра «Ушелъе» корхонасидан 27 миллион 484 минг сўм «Зафар-Навой» МЧЖга ва 549 минг 680 сўм давлат пошлинаси ундирилиши белгиланди. Қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб кучга кирди. Шикоятга ўрин қолмади. Адолат тикланди. «Навой-Зафар» масъулияти чекланган жамият (директори Исомиддин Аллиддинов) даъвоси тўла қондирилди.

Ислом ХУДОЙКУЛОВ, журналист

ПРОКУРОР ПРОТЕСТИ БИЛАН

Олтинсой туманидаги «Бобур» номи ширкат ҳўжалиги бошқаруви билан фуқаро Жумахал Эштемирова ўртасида 2000 йил учун 2 гектар тоқзорга пудрат шартномаси тузилган. Бутун йил давомида фуқаро Насриддин Муҳаммадноров ҳам пай улашмади мазкур оилавий жамоада меҳнат қилган.

Ҳўжалик бошқаруви 2001 йилда ана шу тоқзорнинг тенг ярми — 1 гектарини Н.Муҳаммадноров қаровига беришга қарор қилди. Бу ҳақда пудратчи билан тегишли шартнома тузилди. Ж.Эштемирова эса бундан норози бўлиб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Натижда Денов туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритилди. «Бобур» номи ширкат ҳўжалиги бошқарувининг собиқ раиси А.Ёқубов, амалдаги раиси Т.Нуриддинов, оилавий пудрат бошлиғи Н.Муҳаммадноровлар жавобгар сифатида ишга жалб қилинганлар.

Суд ушбу даъвога қаноатлантириб, «Бобур» номи ҳўжалик бошқарувининг 2001 йил 22 ҳафта 25 сентябрь кунларидаги 22 ва 23-сонли йиғилиши баённомаларини бекор қилиш, 1 гектар тоқзорни Н.Муҳаммадноровдан Ж.Эштемировага қайтариб олиб бериш, бошқарув раиси Т.Нуриддиновга Ж.Эштемирова билан 2 гектар узумзорга шартнома тузиш ва Н.Муҳаммадноровга бошқа боддан 1 гектар тоқзор ажрати беришни юқлаш, Т.Нуриддиновдан Ж.Эштемировага етказилган 20 минг сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган.

Мақоратга шу билан нўқта қўйилмаган. Денов туманлараро прокурорнинг кассация протести ва Н.Муҳаммадноровнинг кассация шикоятига асосан ушбу фуқаролик иши фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг кассация инстанция судида қўрилган. Кассация инстанция суди Денов туманлараро фуқаролик суди ҳал қилув қарорининг «Олтинсой» туман Бобур номи ширкат ҳўжалиги раисига Н.Муҳаммадноровга 1 гектар узум етиштириш учун тоқзор боддан бериш юқлатилсин» деган қисмини бекор қилиш тўғрисида аҳрим чиқарган, ҳолос.

Кўришиб турибдики, ушбу фуқаролик иши юзасидан биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори деярли ўз кучида қолдирилган. Бироқ воқеаларнинг кейинги ривож бундай бўлмаслиғи кераклигини кўрсатди.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг раёсати 2002 йил 29 ноябрь кўни юқорида бот-бот тилга олинган ҳал қилув қарори ва тегишли аҳрим юзасидан вилоят прокурори томонидан назорат тартибида киритилган про-

НЕГА ШУНДАЙ БЎЛДИ?

тестни кўриб чиқиб, биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини ҳам, кассация инстанцияси судининг аҳримини ҳам бекор қилиш, ишни қайтадан бошқа суд таркибида кўришлик учун Денов туманлараро фуқаролик судига юбориш тўғрисида қарор чиқарди.

Нега шундай бўлди? Биринчидан, ҳўжалик билан Ж.Эштемирова ўртасида 2000 йил 1 февралда тузилган 119-сонли шартноманинг 4,5-бандлари ва 3-қисмида шартнома 2000 йилнинг 31 декабригача кучда бўлишлиғи кўрсатилган бўлсада, амал қилиш муддати кўрсатилмаган, деган ваз билан суд ушбу шартномани 3 йил муддатга тузилган, дея асосиз ҳулосага келган.

Иккинчидан, судда Фуқаролик процессуал кодексининг 15-моддаси талаблари қўпол равишда бўлишига йўл қўйилган. Масалан, суд мажлисида ҳўжалик бошқарувининг собиқ раиси А.Ёқубов умуман қатнашмаган бўлсада, суд уни жавобгар сифатида ишда иштирок эттириб, унинг кўргазмаларини қалбақиллаштириб, мажлис баённомаси ва ҳал қилув қарорига киритган.

Ҳўжалик бошқарувининг амалдаги раиси Т.Нуриддинов судда «ширкат ҳўжалиги бўйича барча ижарачилар билан шартнома 3 йилга тузилган» деб кўрсатма бермаган бўлсада, суд ишни фақат Ж.Эштемированинг манфаатини кўлаб ҳал қилиш учун Т.Нуриддиновнинг кўрсатмаларини қалбақиллаштирган.

Учинчидан, кассация инстанция қўйд жавобгарларнинг шикоятларида қўйд этилган вазларни текширмаган. Чўноччи, жавобгар Н.Муҳаммадноров ўз шикоятига Ж.Эштемированинг судда инобатта олинган «ширкат ҳўжалиги бош-

арувининг 2001 йил 29 сентябрдаги йиғилишида қатнашмагандан, ер Муҳаммадноровга берилганидан хабарим бўлмаган» деган кўрсатмаларини рад қилиб, унинг ўша йиғилишда ҳозир бўлганлигини таъкидлаган. Инстанция суди бунга гувоҳларни сўраш йўли билан ибоблашга ҳатто урунмаган ҳам.

Тўртинчидан, иш материалларида ҳўжалик бошқарувининг 2002 йил 10 майдаги маълумотномаси мавжуд бўлиб, унда ҳўжалик бўйича барча шартномалар бир йил муддатга тузилиши кўрсатилган бўлсада, кассация инстанция суди бу ҳолатга умуман эътибор қаратмасдан, суднинг ноқонуний ҳал қилув қарорини мазмунан тўғри деган тўхтамга келган.

Нега шундай бўлди? Бунга нима сабаб? Судьянинг лоқайдлиғими? Менимча, айтиб ўтилган сабабларнинг ҳаммаси бор гап. Судларда ишларни кўришда бир тарафлама ёндашиш, адолатни қарор топтириш йўлида қатъият ва фидойийлик кўрсатмаслик, қонуни, виҳдон амри ва ҳолисликни бир четга суриб қўйиш, ўзгалар бахтсизлиғи, сарсон-саргардонлиғи эвазига ўз манфаатини таъмин этишга уриниш — булар фуқароларда одил судловга ишонсизликни келтириб чиқаради.

Нега шундай бўлди? Оғир, завлорли савол...

Рустам ТЎХТАЕВ, Сурхондарё вилояти прокурорининг ёрдмчиси



Республика Бош прокуратурасининг фуқароларни қабул қилиш ва хатлар бўлими фаолияти асосан фуқароларни қабул қилиш, хатлар билан ишлашдан иборат. Бу ерга йўлланган ҳар бир хат, ҳар бир қилинган мурожаатга алоҳида эътибор билан қаралади. Суратда: бўлим бошлиғи О. Қосимов бўлим ходимлари билан иш устида.

NAZORAT

БАНКДАН ЎМАРИЛАГАН МАБАЛАҒЛАР

Банк ўз номи билан банк. Бу ерда турган битгани пулнинг ташвиши. «Пулни ўтказинг, пулни тежанг, тўлаб беринг, кредит беринг» деган овозларни ҳар бир ҳонада-ю, турли тарафларда эшитасиз. Сиртдан қараганда ҳаммаси равшандек. Барчамиз одатланиб қолган таниш бир ҳолат— миҳоз баҳк ҳодими олдда қумошқ гапириб, илтимос қилаётди. Табва, ёқангни ушлайсан. Банк миҳозга хизмат қилиши лозим эмасми? Ёки банк миҳоздан юқори турувчи муассаса ҳисобланадими? Ўзингга таскин берасан: вақти келар, Очиғини айтганда банк тизими мустақилликдан сўнг ўта ривожланди. Уларнинг мизмат маданияти ҳам тобора қониқарли аҳволга келмоқда. Лекин юқорида айтганимиздек банкдаги ҳамкасларнинг об-рўсига путур етказадиганлар ҳам йўқ эмас.

Жиззах туманида жойлашган «Тadbirkorbank»нинг Учтепа бўлимида турли лавозимларда ишлаб келишган фуқаролар Ф.Бўронов, Ж.Қаршиев, Ш.Бутунбоевларнинг кўзи кўриб қулоқ эшитмаган талон-тароҳлари миҳоз ёқиб ушлашга мажбур қилади. Жумладан Ф.Бўронов бир неча йиллар давомида «Тadbirkorbank»нинг Жиззах вилояти Учтепа бўлимида бош ҳисобчи лавозимда ишла-

ган. Фарҳод «мансаб курсиси»га ўтирган дастлабки кунлариданок бундан фойдаланиб қолишга киришади. Шу мақсадда банкнинг миҳозлари бўлиши: корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан топшириладиган нақд пул тушуmlарини талон-тароҳ қилиш жараёнини ташкил этади. Бу жиний ҳазарбни ёпиш мақсадида банкнинг кирим хазина-чиси алмашиши муносабати билан, кирим хазина-сининг «тушуm харитаси» номи муҳрини олади.

Муҳрин олиш учун баҳона ҳам бор: муҳрин собиқ хазиначидан қабул қилиш, янги тайинланган хазиначига ўтказиш, уни тегишли журналга рўйхатга олиш. У муҳрин қабул қилаётган ва топшираётган шахсларга сездиришмасдан бир қанча қиванцияларга босиб олади. Бўш қиванциялардан фойдаланиш учун Жиззах туманидаги «Бахт» савдо корхонаси бош ҳисобчиси Т.Қаршибоев билан жиний тил бириктиради.

Дастлаб у 1998 йил 29 сентябрда «Бахт» корхонаси томонидан банкга топширилиши лозим бўлган 55000 сўм миқдордаги маблағни кирим хазинасига топширмадан (ўзи имзо чекиб, ушбу

корхона хазиначисиға ҳисоботларга киритиш учун бериб юбориб, шунча миқдордаги маблағни ўзлаштириди. Ўз жиний қилмишини ёпиш учун 55 минг сўм миқдордаги маблағни (ўзлаштиради) банкнинг 19909 рақамли махсус сўвётидан «Бахт» корхонасига ўтказиб қўяди. Ҳеч қим сезмаганлигидан жонланган Ф.Бўронов ва Т.Қаршибоевларнинг иштахоси тобора очилди. Шу тақдир 1998 йил 25 декабрдан бошлаб бир қанча муддат мобайнида бир неча марта 83850 сўм, 190 минг сўм, 700 минг сўмга нақд пуллари ўзлаштирилган.

Бу билан қаноатланмаган бу икки шахс «Бахт» корхонаси ҳисобчиси пул маблағи йўқлигини била туриб компьютер орқали банкнинг операциялар ўтказишга мўлжалланган 19909 сонли ҳисоб рақамидан 100 минг сўм пул ўтказди. Эвазига эса Ф.Бўронов ушбу корхонадан бугдой уни олиб, уни талон-тароҳ этади. Ишлар яна юришиб етаетди. 2000 йил 4 августда 22813 сўм, 21 августда 95 минг сўм, шу тарихга ўтказилиб талон-тароҳ қилинди. Бу билан чекланмасдан Ф.Бўронов бошқа корхоналар билан ҳам мана шундай «операциялар» ўтказиб туради. Натижда ушбу шахс «Тadbirkorbank»нинг Учтепа бўлимига 2 млн. 37 минг

сўм зарар етказди. «Бахт» корхонаси бош ҳисобчиси Т.Қаршибоев эса жиний шериги билан бир-галликда ушбу банкка 1 млн. 464 минг сўм зарар келтиради. Уларнинг ҳамкаслари Ж.Қаршиев ҳам худди шундай ҳатти-ҳаратлари билан 933 минг сўм маблағни талон-тароҳ қилади. Ушбу банкда хазина мудири лавозимда ишлаган Ш.Бутунбоев эса акаларидан қолишмасдан турли йўллар билан 105 минг сўм маблағни ўзлаштириб юборади. Юқорида номи келтирилган шахсларнинг жиний ҳаракатлари тўғрисида 2 млн 368 минг сўм маблағ талон-тароҳ қилиб юборилган.

... Муқаддас хадиси шарифда «пуллар худонинг ердаги муҳридир» дея қафолат қилинади. Бинобарин, ўзгаларнинг турмуш фаровонлиғига, ризқиғига сабаб бўлиши лозим бўлган маблағларнинг талон-тароҳ қилинишини асло кечириб бўлмайд.

Ҳабибулло ТУРҒУНОВ, Жиззах тумани прокурорининг ўринбосари, А.МУСТАФОКУЛОВ, «HUQUQ» муҳбири

Маугли. Бу сўзни эшитган заҳотиёқ кўз олдингизга ўрмонда ҳайвонлар билан яшаган бола келади. Украинанинг Селицино қишлоғида туғилган Ваня Найденов мауглича ҳаёт кечирди. 4 ёшли болакай итлардай вовуллар, мушқудай миёвларди. Егуликни ахлат уюмлари орасидан топадиган Ванянинг олдида пиёниста онаси баъзан итга бергандай бир парча нон ташлаб кўярди. У меҳрни тўрт оёқли Бимкадан кўрди. Ялангоёқ, кийимсиз Ваняни ит совуқдан ва офатлардан асрарди. Унинг тўрт оёқли меҳрибонини поезд босиб кетгандан сўнг Ванянинг ҳаёти янада аянчли кечди. Итнинг бағрида яшаган болакай ҳақиқий ҳаётга қайтганда одамларга ҳайрат билан боқарди. Бу гаплар эртак эмас. Ишонмасангиз «Труд» газетасининг 19 март сонидagi «Маугли Ваня» мақоласини ўқинг. Тошкент шаҳар ИИББнинг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида ҳаёлимизга «Маугли Ваня» келди.

Болалар — миллат келажаги. Уларни ҳар жиҳатдан етук, билимли ва маънавиятли қилиб тарбиялаш лозим. Юзлаб касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ташкил этилганлиги мамлакатимизда бу борада кўплаб ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради. Мустақилликнинг илк кулариданок ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «Камолот», «Умид» каби ёшларни қўллаб-қувватлайдиган жамғармалар ташкил қилинди. Биргина «Умид» жамғармасининг гранти билан юзлаб ёшларимиз ривожланган мамлакатларда таълим олмақда. Аксарияти таҳсилни тугатиб келиб юртимизда иш бошлашди. Бундай ютукдан фахрланмай бўладими? Спорт соҳасида ёшларимиз эришган галабалар ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин.

Бир донишманддан шоғирдлари сўрашибди: — Ёшликни нимага ўхшатиш мумкин, бейфойда ўтказилган вақт қандай натижа беради?

Донишманд жавоб берибди:


— Ёшлик даври атиргулга ўхшайди, агар шу гулдан яхши истифода қилмай, уни эзиб-янган киши қариғанда тиканга ўтиради.

Болаликни халқимиз подшоликка қиёс қилади. Аммо бу ёшда қалб ҳамма нарсани идрок этавермайди. Лекин юрак орзуларга лиммолим бўлади. Катта бўлсам, ундай қиламан, бундай қиламан деган ниятлар бола қалбига тинчлик бермайди. Катталарга тақлид қилади. Болаликдаги орзуларнинг амалга

✓ BOLALARGA BERING DUNYONI

ошишида оиланинг ўрни беқиёс. Лекин ота-онанинг ўзи тарбияга муҳтож бўлса, бу — аянчли ҳол. Тарбиясиз қолган бола кўча-қўйда тентирайди. На мактабга боради, на дарс қилади.

— Оилада фарзандни тўғри тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Тарбияли бола келажақда юртга фидойи инсон бўлади, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи Эркин Бойхонов. — Марказимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 августдаги қарори билан ташкил қилинди. Бундан мақсад Тошкент шаҳрида болалар ва ўсмирлар қаровсизлигининг, улар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини



имконияти бўлмаса марказ инспекторлари болаларни ота-онаси қўлига топшириб келади. Бир сўз билан айтганда марказга келган

сўхбатлашамиз.

— Иккинчи марта бу ерга келишим. Шўрчи туманидаги Мирзо Улугбек номи мактабнинг 11-синфида ўқийман.

— Ўқишни ташлаб Тошкентга келишга нима мажбур қилди?

— Тирикчилик. Оилада 11 кишимиз. Уйдагиларга ёрдам қилмоқчи эдим. Милиция ходимлари бозордан ушлаб келишди.

— Уйга кетиш ниятинг борми?

риф буюрган экан.

— Бу ерда ҳамма милиция ходимлари фуқаро кийимида юришади, — дейди Миробод туман прокурорининг ёрдамчиси А.Агзамов. — Тўғриси, баъзи болалар формали кишини кўрса, бола эмасми, кўрқиб ўзининг муаммоларини айта олмайдди. Мақсад — болаларнинг қалбига қулоқ солиш. Агар бу болалар яхши оилада тарбияланганида бу даргоҳга келмасди. Уларнинг бу кўйга тушишида ота-оналари, мактаб ва жамоатчилик айбдор. Лекин ҳукуматимиз бундай болаларни кўчага ташлаб қўйгани йўқ. Уларнинг келажақда ўз ўрнини топиши учун барча ишларни қилайти. Халқимиз болани ёш ниҳолга ўхшатади. Бунда чўқур рамзий маъно бор. Ниҳолни қайси томонга эгсангиз, ўша томонга эгилади. Ёш бола ҳам шундай. Қандай тарбия олса, шундай вояга етади.

Абдуллавлоний: «Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё наҳот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир!» — деган эди. Шундай экан, бола тарбиясида лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди.

Марказ раҳбарияти Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва ИИБ билан келажақда хоналарни компьютер билан жиҳозлашни режалаштираёт-

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

(Ўзбекистон Конституциясининг 64-моддасидан)

Меҳрибоннинг борми, болажон?

олиш, вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишдир. Бу ерга оиласидан ўзбошимчилик билан кетиб қолган, махсус мактаблардан қочиб кўча-қўйда юрган, ташлаб кетилган ва адашиб қолган болалар олиб келинади. Ўтган йили 75 ўринга мўлжалланган марказимизда



болаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун ҳимоясида. У ердаги шароит билан тез-тез танишиб тураемиз. Муаммоларни биргаликда ҳал қилаемиз.

МДХ давлатларидан келган дайди болалар ҳам пойтахтимиз кўчалари, бозорлари, вокзалларидан марказга олиб келинади.

— Баъзан уларнинг ота-онасига хабар берилса маблағи йўқлигини рўқач қилишади, — дейди марказ бошлиғи Э.Бойхонов.

— Шунда инспекторларимиз болани етаклаб Россияга, баъзан Қозғистонга жўнайди. Битта мана шундай хизмат сафари учун 1млн.сўмдан ортқ маблағ сарфланапти.

Марказдаги «меҳмон» болалар билан сўхбатлашамиз.

— Мен Алиса Русковаман. Павлодардан Тошкентга бир ойда поездда келдим. Бу ерда егулик кўп экан. Поездга чиққанымда провондниклар билиб қолишса станцияда тушириб юборади. Сўнг яна Тошкентга кетаётган бошқа поездни кутаман. Унга миниб келавераман. Провондник билиб қолса яна бир бекатда тушириб юборади. Яна...

— Тошкентга кетаётганимни уйдагилар билишармиди? — сўраймиз 12 ёшли Алисадан.

— Йўқ. Онам доим ичиб юради. Отам уйга келмайди.

— Уйингга боришни хоҳлайсанми?

— Уйда нима қиламан? Егулик бўлмаса. Онамнинг ҳоли ҳаммага маълум.

Сурхондарёлик 1985 йилда туғилган Йигитали Шердонаев билан

— Беш-тўрт сўм ишламоқчи эдим.

9 ёшли Сирож Отабоевнинг гапларини эшитиб ҳайрон қолдик. Кўзларидан ўт чақнайди.

— Онам Россияга савдо қилишга кетган. Отам бозорда қарам соатади. Тўғриси, улар бизни боқа олишмаяпти. Бувим билан турардим. Чиқариб юборди. Шунинг учун «Кўйлик» бозорига қиқиб тирикчилик қиламан.

— Кунига қанча топасан?

— Картон йиғиб топшираман. 2-3 минг топаман.

— Энди 9 ёшга кирибсан, мактабда ўқисанг бўлмайди?

— Ака, сиз чиройли гапираркансиз. Бозорга кириш. Олий маълумотли одамлар ҳам арава тортиб юрибди-ю, сиз бўлсангиз...

— Биздан нима истайсан? —

— Милициядан тинчлик йўқ. Агар зўр бўлсангиз айтинг, милиция ходимлари тирикчилигимизга халақит бермасин.

Марказдаги болаларга яратилган шароитлар билан танишамиз. Тўғриси, бу ердаги имкониятлар унча-мунча жойда йўқ. Турли уйинчоқлар билан тўла хоналар рангли телевизор, юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган.

Марказга халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам тез-тез келиб, болаларнинг ҳолидан хабар олиб туради. 7 март куни АҚШ элчисининг рафикаси Надежда Хёрбст таш-

ган экан.

Сўнги сўз ўрнида. Пойтахтимизнинг «Халқлар дўстлиги» майдонидида Шомоҳамдовлар оиласига қўйилган ҳайкал бор. Иккинчи жаҳон уруши даврида 14 нафар турли миллат болаларини ўз бағрига олган бу оила ҳақида ёзувчи Раҳмат Файзий «Ҳазрати инсон» номи асар ёзган. Ана шу асар асосида яратилган «Сен етим эмассан» баддий фильми 80 дан ортқ мамлакат экранларида қўйилди. Бу гапларни ёзишимиздан мақсад шунки, яқинда Россиянинг НТВ телевидениеси орқали халқимизнинг улўф қадриятига яна бир бор тош отилди. Гўё ўзбекларнинг уруш йиллари фарбдан келган етим болаларни боқишдан мақсади етимларнинг нонига шерик бўлиш эмиш.

Бугун биз ҳикоя қилган марказда ҳам хоридан келган кўплаб дайди болаларни учратдик. Улар ўз оиласида ва юртида кўрмаган муруватни бу ерда кўришмоқда. Балки ўз юртиларида юрганларида Ваняга ўхшаб одамлар меҳр-муруватидан четда қолармиди?

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, «HUQUQ» муҳбири

Суратларда: Миробод тумани прокурорининг ёрдамчиси А.Агзамов болаларга яратилган шароит билан танишмоқда (юқоридagi сурат); Марказдаги болалар уйинчоқлар билан машғул.

А. ТўРАЕВ олган суратлар

DOLZARB MAVZU

Ишсизлик. Собик Иттифок даврида бу сўз ҳадик билан айтиларди. Ишсизлик капитализм иллати саналарди. «Бизда ишсизлик йўқ. Ҳамма иш билан таъминланган» дея эътироф этиларди. Ишлаган одам ҳам, ишлаган ҳам қайсидир ташкилотнинг рўйхатида бўларди.

Мустақилликдан сўнг кўпгина корхоналар бозор иқтисодиёти рақобатига чидай олмай синди. Ҳар куни дарвозаларидан минглаб ишчилар кириб-чиқадиган гигант завод-фабрикаларнинг баъзилари ишчиларига мажбурий меҳнат таътили бера бошлади. Вақт ўтиши билан кечагина станок ёнида ишлаётган ишчи ишсиз фуқарога айланди. Ишсизнинг ҳақ-ҳуқуқлари амалдаги қонунларимизда ҳимоя қилинади. Бозор иқтисодиёти шариоитида арзimas пул билан оила боқибнинг ўзи муаммо. Соғлом одам ишласам, оиламни боқсам дейди. Лекин тузукроқ маошли иш топиш энди осон эмас. Бу борадаги рақобат ҳам жуда қаттиқ.

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш борасида анчагина ишлар қилинмоқда. Лекин жойлардаги ҳокимлар ва шу соҳага мутасадди идораларнинг ўз вазифасига эътиборсизлиги натижасида ишсизлар сони ортмоқда. Ишсизлик мақомига эга бўлган фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинмоқда.

МЧЖ томонидан бажарилган ишлар 531,3 минг сўмга, «VALSEP» МЧЖ томонидан бажарилган ишлар 1,3 млн. сўмга ошириб ёзилганлиги натижасида давлатга 1,8 млн. сўм миқдоридан зарар етказилганлиги аниқланган.

Маъмур ҳолат бўйича туман прокуратураси томонидан меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза

ларни ташкил этишга масъул бўлган вазирлик ишининг сустиги ўз навабатида айрим шахсларнинг фирибгарлик ва бошқа жиноий йўллар билан фуқароларни турли ишларга қонунсиз жалб қилишларига асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Конституциясининг 37-моддасида: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шариоитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқиқланади», — дейилган.

Ишсизлик муаммоси кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. АҚШ, Япония ва Германия каби ривожланган мамлакатлар фуқаролари ҳам ишсизликдан қурқадилар. Баъзан иш жойи қисқаришини олдиндан билиб қолса кўчаларга чиқиб норозилик билдиришди. Қандай бўлмасин иш жойини сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Бир сўз билан айтганда, дунёда



Республика прокуратура органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини ўрганиш бўйича ўтказилган текширишда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимида ушбу қарор талаблари тўлиқ бажарилмаётганлиги аниқланди.

Вазирликнинг қўйи тизимлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан Андижон вилоятининг Асака шаҳри ва Шаҳрихон туманида, Бухоро вилоятининг Шофиркон, Вобекент, Бухоро туманларида, Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳри, Тўрткўл туманида, Тошкент вилоятининг Зангиота тумани, Фарғона вилоятининг Богдод тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари ҳузурида вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш мақсада муювофиқ деб топиладиган бўлса-да, худудларда марказлар ташкил этилмаган.

Текширишлар натижалари бўйича маъмур ҳудудлар прокурорлари томонидан аниқланган ҳудудларнинг барқарорлиги бартараф этиш юзасидан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган.

Бундан ташқари, ҳукумат қарорида вақтинчалик иш изловчи фуқаролар учун зарур ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш, овқатланиш шахобчалари ташкил этиш қатъий белгиланган бўлса-да, айрим худудларда бу талаблар бажарилмаган.

Чунинчи, Навоий вилояти Кармана тумани прокуратураси томонидан марказ фаолияти назорат тартибда ўрганилганда иш сўраб мурожаат этган фуқаролар учун овқатланиш шахобчаси ва бошқа ижтимоий-маиший хоналар ташкил этилмаганлиги аниқланди. 2003 йил 18 февралда марказ директори Т.Рамазоновга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга тутилган ва қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш ҳақида туман ҳокимига тақдимнома киритилган.

Андижон ва Бухоро шаҳарлари, Наманган вилоятининг Норин тумани ва Қорақалпоғистоннинг Амударё туманидаги марказда ҳам юқоридаги каби камчиликка йўл қўйилганлиги аниқланди.

Айрим худудларда марказга ажратилган маблағлар талон-тарож қилинган. Масалан, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда аниқланишча, туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими марказ учун ажратилган бинони ўз балансига олмасдан туриб, уни таъмирлаш учун миллион-миллион сўмларни осмонга совурган. Бу ҳам етмагандек, марказ атрофини ободонлаштириш мақсадида «Гарантизмат» хусусий фирмасига 1,2 млн. сўм миқдоридан маблағ ўтказиб берилган.

Таъмирлаш ишларининг ҳаққонийлиги юзасидан ўтказилган текширишда «ГИП»

«МЕНГА ИШ БЕРИНГ»

Савол сиздан

ИШСИЗЛАР ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Аҳолининг айрим тоифаларига ишга кириш учун қандай кафолатлар берилган?
С.АҲМЕДОВ,
Сурхондарё вилояти, Сариеб тумани

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозоридан тенг шариоитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга, шу жумладан ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарга ҳамда кўп болали ота-оналарга; таълим муассасаларини битирган ёшларга; Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатирилганларга; ногиронларга ва пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахсларга; жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарори билан мажбурий даволанишга юборилган шахсларга қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, шу жумладан ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун кўрсатилган тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш минимал иш жойларини белгилаб қўйиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар билан қўшимча кафолатларни таъминлайди.

Ҳарбий хизматга қақирилган (ўтган) ходим заҳирага бўшатирилган ёки истеъфога чиққанидан кейин, башарти Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатирилган кундан бошлаб узоғи билан уч ой ичيدا ишга жойлашиш масаласида иш бевуҷига мурожаат этган бўлса, аввалги иш жойида ишга жойлашиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳарбий хизматга қақирилган (ўтган), лекин кейинчалик заҳирага бўшатирилган ёки истеъфога чиққан ходим, агар унинг ҳарбий хизматга қақирилган (ўтган) кундан бошлаб уч ойдан ортқ вақт ўтмаган бўлса, аввалги иш жойига (лавозимига) қайтиб келиш ҳуқуқига эга.

Корхона тугатилганда ҳарбий хизматдан бўшатирилган шахсларга ишга жойлаштиришни унинг ҳуқуқий вориси, бундай ворис бўлмаса, маҳаллий меҳнат органи амалга оширади.

Ходимларга ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган кафолатларни бериш мумкин бўлмаган ҳолларда, маҳаллий меҳнат органи ишга жойлаштиришни, зарур ҳолларда эса, касби бўйича бепул ўқитишни таъминлайди.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган кафолатлар муҳобил хизматга қақирилган ходимларга ҳам таъбиқ этилади.

қилиш бўлими мансабдорларига нисбатан жиноят иши кўзга тутилган, тергов олиб борилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бу ишларни марказлаштирилган ҳолда бошқаришни ўз зиммасига олган бўлса-да, бу йўналишдаги ишлар талабга жавоб бермайди.

Чет элларда ишлаш истаги бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни мамлакат ташқарисида меҳнат қилишга жалб этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаган.

2002 йилда атиги 1389 нафар шахс Корея Республикасига, Хитой ва Бирлашган Араб Амирликларига ишга юборилган.

Давлат номидан ушбу йўналишдаги иш-

мамлакатларининг салоҳияти аҳолисининг бандлиги билан баҳоланган.

Яқин йилларга бизда ишсизлар йўқ, дейилса-да, аслида ишсизлар бизда ҳамма даврда ҳам етарли бўлган. Тан олиб айтиш керак, кўпгина ишсизлар ҳақ-ҳуқуқларини яқши билмайдди. Жойлардаги туман ҳокимликлари ҳузуридаги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимларига вақтида мурожаат қилмайдди.

Ишсиз мақомига эга фуқаро давлат томонидан қонуний муҳофазаланган. Ким нингдир даласида кетмон чопган, кимнингдир уйини қурган уста ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши керак. Ақс ҳолда чув тушиб қолиши мумкин.

Бугунги кунда минглаб ёшларимиз шаҳарга келиб тирикчилик учун бировнинг даласида, кимнингдир ҳовлисида ёлланиб ишлайди. Хўжайин билан оғзаки келишди. Вақти келиб иши битгандан сўнг эса хўжайин «уйин» кўрсатади. Ёлланиб ишлаган одамнинг даввоси хеч жойга ўтмайди. Чунки иш бевуҷига билан иш бажарувчининг ўртасида қонуний шартнома имзоланмаган.

Ҳар бир фуқаро «Менга иш беринг» дейишдан олдин ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб олса, нур устига нур бўлади. Сих ҳам қуймайди, кабоб ҳам.

Чунинчи, 2002 йил 12 февралда фуқаро Г.Сайдуллаева Бухоро шаҳрида яшовчи С.Солиева ва К.Лиллар(исм ва фамилиялари ўзгартирилди)ни «чет элда иш топиб бераман» деб алдаб, БААга олиб бориб, фоҳишалар қилишга мажбур қилган. Ушбу ҳолат юзасидан Г.Сайдуллаевага нисбатан кўзга тутилган жиноят иши 2002 йил 24 май куни судга кўрилиб, у тегишли жазосини олган.

2002 йил 28 февралда фуқаро Б.Аҳмедов турмуш ўртоғи Л.Аҳмедова ҳамда А.Ҳайитовлар билан тил бириктириб, Жизза шаҳрида яшовчи Т.Бобоева ва К.Алиевлар(исм ва фамилиялари ўзгартирилди)ни «чет элда иш топиб берамиз» деб алдаб, аслида уларни «туңги капалакларга» айлантириш учун БААнинг Дубай шаҳрига олиб борган. Т.Бобоева у ерда 10 октябрь кун номальум сабабларга кўра вафот этган. Маъмур ҳолат юзасидан тергов иши давом эттирилмоқда.

Республика прокуратураси органлари томонидан маъмур масала юзасидан ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилишларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш, айбдор шахсларни тегишли тартибда жавобгарликка тортиш мақсадида 163 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. 83 та тақдимнома киритилган, 50 нафар мансабдор шахс қонун бузилишига йўл қўймастик ҳақида огоҳлантирилган. 27 нафар ходим интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган, 4 та ҳолат бўйича жиноят иши кўзга тутилган.

Ишсизлик муаммоси бартараф этилмас экан, у билан боғлиқ муаммоларни буткул ҳал этиб бўлмайди. Бу — бугунги даврнинг ҳақи талаби.

Анваржон ҚУРОНБОЕВ,
Республика Бош прокуратурасининг бошқарма катта прокурори.
Зайинддин ОЧИЛОВ,
«HUQUQ» мухбири

BIR JINOYAT TAFSILOTI

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир хунарманд йигит вояга етиб, ота-онаси олдидаги фарзандлик бурчини қай тарзда кўпроқ бажариши мумкинлиги ҳақида ўйлар экан. Бир кун у қишлоқ четидаги кулбасида ёлғиз яшайдиган донишманд хузурга боришга аҳд қилибди. Йигитнинг истагини эшитган донишманд бироз ўйланбди:

— Фарзандларинг борми, ўғлим? — деб сўрабди.
— Бир қиз, икки ўғлим бор, тақсир.

— Уларнинг сенга ва волидан муҳтарамаларига муносабати қандай?

— Еру кўкка ишонимайди. Ҳаммаси ўқимишли, ахлоқ-одобда тенгсиздирлар. Донишманд бу сўзларни эшитиб, «Қайтар дунё бу!» деб йигитнинг елкасига уч марта қоқиб қўйибди.

— Ота-онанга қилганларинг болаларингдан қайтибди, ўғлим. Улар сендан розидирлар, — деб йигитни қайтариб юборибди.
Бугунги ҳикоямизда ҳам ота ва ўғил муносабатлари хусусида сўз боради.

Ўтган йил октябрь ойининг охириг кунлари. Кўчада овқатланиб, юз грамм ароқ ичган Абдусалом отасининг уйи рўпарасида тўхтади. Бу унинг киндик қони тўкилган, тетапоя қилиб катта бўлган ҳовлиси. Не-не умидлар билан Абдусаломга келинчак бўлган хотини ҳам шу дарвозадан оқ рўмолни ўраб, таъзим билан кириб келган эди. Бир йил ўтар-ўтмас, фарзандини бағрига босиб, кўзда ёш билан қайтиб келмас бўлиб шу эшикдан чиқиб кетган. Оиладаги нотинч муҳит Абдусаломни не кўйларга солмади, дейсиз. Тузукроқ жойда ишлайман деса иш йўқ. Ойлаб ойлик берилмайдиган жойларда эса ишлагиси йўқ. Ора-сира меъеридан ошириб ичиб қўйишни туфайли оиласи бузилди. 35 йиллик умри давомида турли қилмишлари учун икки марта «ўтириб чиқишга» мажбур бўлди. Жазо муддатларини ўтаб чиққан яна мана шу эшикка талпинганлари ҳамон эсида. Хасталаниб, бевакт ҳаётдан кўз юмган онаизорини ҳам охириг манзилга мана шу эшикдан олиб чиқилган эди...

Кексайганда пириу бадавлат бўлиб, фарзандлари эъзозидида ҳаёт кечираётган ота-оналаримиз тўй кун икки ёшни ахши ниятлар билан дуо қилишади. Саримсоқ ота уйланганда ҳам маҳалла-қўй оқсоқоллари оқ фотиҳа бериб, бир этак фарзандли бўлишни, қариганда роҳат-фароғатда умр кечирини тилашгани аниқ. Лекин ҳар кимнинг пешонасига ёзилгани бўларкан. Хеч бир ота-она фарзандим ноқобил бўлсин, деб ният қилмайди. Фиш қолипдан кўчгандан кейин эса афсус-надоматлар фойдасизлигини англаб, бола тарбиясидаги кемтик нуқталар сув бетига қалқиб чиққан, иложсиз қилишади.

Саримсоқ ота билан Карима аянинг (исмлар ўзгартирилган) бошқа ўғил-қизлари қатори Абдусаломдан ҳам умидлари катта эди. Афсус. Ота кейинги пайларда шулар

ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолди. Айниқса уч-тўрт кўни-қўшни тўпганиб турган жойдан ўзини олиб қочади. Фарзанднинг қилмишлари туфайли ўзини доим айбдордек хис қилади. Боши эгик.

Хотини вафотидан кейин рўзгор, болалар тарбияси ўзига қолиб, кўп азиятлар кечди. Вақт ўтиб эса қариндош-уруғлар қистови билан уч болали Саида деган жумғона уйланди-ю, аввалги кўргуликлари хеч нима бўлмай қолди. Чунки ҳадеганда фарзандлар ўғай онага кўниқиб кетиша олмади.

Оила аъзолари ўртасидаги келишмовчи-

ликлар бора-бора жанжал билан яқунланиши одат тусига кирди. Рўзгордан барака кўтарилди. Бора-бора катталар ўртасидаги ноаҳиллик кичикларга ҳам юкди. Оила тинчлиги биратўла бузилди. Саида дастлабки кезларда оиладагилар билан чиқишиб кетгандек бўлди. Лекин ўғай она фарзандларининг тарбияси рисоладагидек эмас эди. Болалар ўзаро чиқишишмас эди. Саримсоқ отанинг ўғил уйлантириш вақти келганида ўғай она келинликка ўзининг ахлоқи боис турмушга қиқолмай келаётган қариндошини тавсия қилган, оилада узил-кесил қарама-қарши икки кутб юзга келди. Ахир кимнинг

ҳам эл-юртда гап-сўз бўлган бадахлоқ қизга уйлангиси келади?

Оиладаги нотинч муҳит айниқса Абдусаломга кўпроқ таъсир қилди. Ўғай онасини курс жини кўзир эди. Отасининг ҳоли ўзига маълум... Ичкиликка берилди, бебош юриш уни жинот кўчасига олиб кирганини сезмай ҳам қолди.

Сайхунобод туманидаги Қодиркул Султонов номли ширкат хўжалиги марказий кўргон ўрамида жойлашган ушбу хонадон дарвозаси тепиб очилганда Саримсоқ ота айвонда кичик фарзандлари билан чой ичиб ўтирарди. Абдусаломнинг важоҳатидан отанинг оёқлари бўшашиб, ўрнидан туролмай қолди. Титроқ қўлидаги пиёла чайқалиб, чойнинг ярми кўрпача тўкилди.

Ота эрталабдан бери кўнглининг нега гашлигини энди англади. Бу биринчиси эмас. Абдусаломнинг ўғай онаси, укалари билан дас-



БИР ЙИГИТ ФОЖЕАСИ

тлабки жанжаллашган кунидан бери аҳвол шу. Ароққа тўйиб келдимми, бир қор-қол бўлмай илғожи йўқ. Саримсоқ ота болаларга зарари тегмасин деб, аранг қаддини ростлаб ҳовлига тушди. Ўз пуштикамарида бўлган ўғайнинг важоҳати бугун яна ҳам даҳшатлироқ эканлигини қўриб ялиниб-ёловди, насихат қилиб кўрди. Юраги эзилди. Кучи нимага ҳам етарди. Шундай бўлса ҳам унинг йўлини тўсишга ҳаракат қилди. Биладки уйга кирса, унинг дастидан синмаган нарса қолмайди.

Ҳовли ўртасида оғзига келган сўзлар билан ер тепиниб ўғай онасини бўралаб

сўкаётган Абдусалом учун ўғай укасининг сўзи ҳақоратдай туюлди:

— Онамни сўкманг, чиқиб кетинг бу ердан. Бу уйда сизнинг ҳақингиз йўқ!

— Уйдаги бор нарсани сотиб еб бўлдиларинг-ку, тирранча. Мана бу гапинг ортиқча бўлди! — Абдусалом шундай деб ёнидан гугурт олиб қақиб яқинидаги беда ва сомон гарамига отиб юборди. — Ёкман. Ҳаммасининг кулини кўкка совураман!

Саримсоқ отанинг охириг эшитган гапи шу бўлди. Улғурмади... Зум ўтмай озгина тутаб турган гарам ловулдаги ёна бошлади. Кейин иккинчисига, учинчига ўтди. Зулмат қўйини ёриб тугун аралаш кўкка талпинаётган кучли алаған атрофни ёритиб юборди. Шовқин-суронни эшитган кўни-қўшнлар ҳовлига тўпанишган, ҳар ким ўзича ҳаракат қиларди. Қанча ҳаракат ва маблаг эвазига жамғарилган ем-хашагидан ажраётган Саримсоқ ота жон ҳолатда оловни ўчирмоқчи бўлиб интилар, лекин бунга Абдусалом йўл бермасди. Кейинги ҳаракати отага қимматга тушди. Ўғил отанинг кўрагидан итариб юборди, бунга ҳам қаноат қилмай, ҳовлида ётган темир парчаси билан отасининг бошига урди. Бу ҳолат шу қадар тез юз бердики, ваҳимага тушган кўни-қўшнлар ҳам бунга пайқамай қолишди. Бош ва қақма аралаш урилган зарбадан Саримсоқ ота қонга беланган эди. Қўшни йигитлар отанинг қўлигидан олиб айвонга олиб чиқишди...

Бироздан кейин Саримсоқ отани туман шифохонасига олиб кетишди.

Ҳовлидаги тўс-тўполон ҳали тинчмаган, ёнма-ён уюлган гарамлар кўкка етгудек ёнарди. Абдусалом бир қўлида болта, иккинчисиди пичоқ ушлаб, ёрдамга келган кўни-қўшнгиларни ҳам, туман марказидан келган ўт ўчирувчиларни ҳам ёнгинни бартараф этишга қўймас эди.

Етиб келган милиция ходимлари уни ушлаб олиб кетишгандан кейингина унинг бир ёнбошига ўтиб улгурган оловни кўнчилик бўлиб ўчиришга улгуришди. Шу кеча Саримсоқ ота Қосимовнинг киш учун жамғарилган 13 гарам ем-хашаги, молхона ва оғборхонаси батамом кулга айланди. Умумий қўрилган зарар 1 млн. 627 миң сўмини ташкил қилди.

Судда жабрланувчи сифатида қатнашган ота ўз ўглининг гуноҳларини кечирди. Лекин қонун барчага қаробардир.

Учинчи марта суднинг қора қурсисига ўтирган А. Қосимов қилмишига яраша жазосини олиб, умрининг 4 йилу 6 ойини қаттиқ режимида қамоқда ўтказадиган бўлди. Бу воқеа фарзандлари тарбиясида бефарқ қаровчи ота-оналар учун сабоқ бўлишини истаб қолардик.

Тоҳир РАЖАБОВ,
Сайхунобод туман прокурори

Баҳодир уйланганидан сўнг рўзгор ташвишлари унинг зиммасига тушди. Айтадилар-ку, рўзгор — гор деб. Ииллар ўтди, шириндан-шакар икки фарзанднинг отаси бўлди. Уларни едириш, кийинтириш, уйли-жойли қилиш керак. Бунинг учун эса кўпроқ ишлаш, кўпроқ пул топиши керак. Хуллас, Баҳодир «Жигули» русумли автомашинани ижрага олиб қирақашлик қила бошлади.

JINOYATGA JAZO MUQARRAR

ЖИНОЯТ ОРТИДАН ОЧИЛГАН ЖИНОЯТ

... Баҳодир ўша кун ичун ҳам кечгача кўп йўловчиларнинг ҳождатини чиқарди, чарчади. Аммо йўловчилар кўп, мижозларнинг эса кети узилмасди. У қанчалик чарчаса-да пул ишлаб олишини ўйлаб, уйга кетиш, дам олиш фикридан қайтди.

Кечки салқинда бемалол ишлаша бўлади, деб ўйлаб машинанинг рулига бошини қўйганча хаёлга толди.

Шунда машинаси томон келаётган йигитларнинг сўхати қулоғига чалинди. Рўпарасидан келаётган уч йигитга нигоҳини қадади.

Йигитлардан бири Баҳодирга қўл бериб саломлашган, мақсадга кўчи:

— Ака, бизни манзилимизга олиб бориб қўйсангиз. Озроқ ичганмиз, Алишер билан Ренатни уйига, мени ишонамга ташлаб ўтасиз, рози қиламиз, — дея ўртоқларига ишора қилди.

— Утирақолинглар, — рози бўлди Баҳодир.

Алишер билан Ренат орқа, Артур олдинги ўриндиққа ўтирди.

Бу уч оғайни болалигиданок бирга ўсиб катта бўлишган. Нимаки иш

қилишса, бирга қилишади. Реант билан Алишер бекорчи, ишлаш хаёлларига ҳам келмайди. Кўча безорилик, ўтган-кетганга тош отишни ўзларига касб қилиб олишган. Артурнинг эса ҳар қалай тайинли иш жойи бор.

Уч оғайни кўнгил ёзишни ният қилиб, Бекобод шаҳридаги «Алик» кафега йўл олишди. Икки соатлар чамаси ўтириб ароқ ичишди, роса сўхбатлашди. Кеч тушиб борар, Артур эса ишга, икки ўртоқ уйга кетиши керак эди. Оғайнлар бозор ёнидаги бекатгача пиёда кетишди.

... Артурни ишхонасига кузатиб қўйган Алишер билан Ренат Баҳодирнинг машинаси томон келаётган бир зум туриб қолишди.

— Тўхта, Алишер, гап бор. Йўлда келаттуриб калламга бир фикр келди. Шофёрни тинчитиш, устидаги кийимларни, машинасидаги магнитоласини гўм қилиш керак.

— Мен ҳам сенга шунини айтмоқчи эдим, — деди Алишер атрофга олазарак боқиб.

— Ака, — деди Ренат машинага ўтирар экан, — Энди бизни аввал

уйга, кейин эса қаҳвахонага олиб борасиз. Уйга шундай қирамизу, пул олиб чиқамиз, ахир сиз билан ҳисоб-китоб қилишимиз керак.

Бу таклифга Баҳодир дарров кўна қолди.

Ренат уйга кириб, кўртқасининг чўнтагига пичоқ солиб олди. Машинанинг орқа ўриндиқига ўтирар экан, 3-микрорайондаги қаҳвахонага олиб боришни илтимос қилди.

Баҳодир айтилган манзил томон машинасини елдириб кетди.

Бу вақт Ренатни совуқ тер босди. У машина ойнасидан қоронғиликка тикилиб борар, тезроқ қулайроқ жойга борса-ю, шум ниятини амалга оширса.

— Шу ерда тўхтатинг ташқарига чиққим келаяпти, — деди Алишер, Ренатга кўзини қисиб қўяркан.

Баҳодир машинани тўхтатди. Шу пайт бошига келиб тушган зарбадан кўз олди қоронғилашиб кетди.

Ҳайдовчини беҳуш қилган Ренат қўлидаги пичоқ билан унинг бўйнига урди. Бўйин томиридан отилиб чиқаётган қон машина ўриндиқига сачрай бошлади. Кўп қон йўқотиш натижасида Баҳодир шу ерда оламдан кўз юмди.

Қотиллар жасадни машинанинг бўйнидаги қўйлаб «Фарход» қанали томон йўл олишади. Манзилга етиб келгандан сўнг марҳумнинг бўйнидаги олтин занжирини, чарм кўртқасини, норка шапкасини, машинага ўрнатилган автомагнитолани, оғзидаги икки дона тилла тишини сугуриб олишди.

Жасаднинг эса бўйнига тош боғлаб, целлофан халтага жойлаб, қаналга ташлаб юборишди.

Машинанинг керакли хужжатларини, Баҳодирнинг паспортини ёқиб юбориб, машина билан пичоқни ҳам қаналга ташлаб юборишди.

Режадаги ишни қўйилмақом

қилиб бажарган шаввозлар қаҳвахонадаги кўнгилхушлиklarини авж олдиришади.

Аммо, уларнинг таралла-бедод юришлари узокка чўзилмади. Қотилларнинг қилмишлари кўп ўтмай фож этилди. Бу жиноятнинг фош қилиниши яна бир жиноятнинг очилишига ҳам сабаб бўлди.

Алишер 1997 йилнинг март ойларига 2 та шахсга нисбатан ҳам ана шундай аянчли усуллари қўллаган экан. Бунинг оқибатида жабрдийдаларнинг бири ҳаётдан кўз юмган, иккинчиси ногирон бўлиб қолган эди.

Хуллас, босқинчилар жиноий қилмишлари учун қонунда белгиланган тегишли жазоларини олдилар.

Отабек МУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Жиноятларни тергов қилиш бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси


ШАРОН ТАХМИН КИЛАДИ

Исроил оммавий ахборот воситаларининг хабарига қараганда, мамлакат ҳарбий разведкаси вакили душанба кuni Кнессет (мамлакат парламенти)да Ироқ оммавий қирғин қуролларини Сурия ҳудудига яшириб қўйган бўлиши мумкинлиги тўғрисида маъруза қилган. Маъруза парламентнинг хорижий ишлар ва мудофаа комиссиясига тақдим қилинган бўлиб, бу ерда гап Ироқ ихтиёрида мавжуд дея тахмин қилинётган химиявий ва бактериологик қуроллар, узоққа учувчи ракеталар ҳусусида кетмоқда.

Ушбу маърузани Бош вазир А.Шароннинг 2002 йил декабрдаги баёнотининг давомий дейиш мумкин. Ушанда Шарон ироқликлар таъқиқланган қуролларни халқаро инспекторлардан яшириш учун Сурияга жўна-тиб юбориши мумкинлигини айтган эди.



«СИЗ САРИ БОРМОҚДАМИЗ...»



АҚШ президенти Жорж Буш баёнот берар экан, Ироқ халқи озод этилмагунча уруш тугамаслигини айтган. «Сизга зулм қилаётган ҳукуматни ағдариб ташлаш учун улкан куч билан сиз сари бормоқда» деган Ироқ халқига мурожаатида Буш Филодельфиядаги чегарачилар ва бошқа ҳарбийлар олдида чиқиш қилар экан.

Айни пайтда Пентагон вакиллари таркатган хабарларда узлуксиз бомбардимонлар Ироқ мудофаа кучлари позицияларини сезиларли

равишда заифлаштирилганлиги айтиляпти. Яъни, америкаликлар яқшанба кuni Ироқ ҳудудига уч мингта бомба ёғдирганлар. Бу уруш бошлангандан бери мамлакатга ёғдирилган жами бомбаларнинг учдан бир қисмини ташкил этади.



Гонконг ҳукумати шаҳардаги йирик тураржой мажмуаларидан бирида карантин эълон қилинганлигини маълум қилган. Бунага мажмулада яшовчилардан 200 нафарга яқинининг ҳаёт учун хавфли бўлган ўпка яллиғланиши хасталигига чалинганлиги сабаб бўлган.

Эндиликда 10 кун мобайнида бу ердагилардан бирон-бир кишининг ташқарига чиқиниши рўхсат этилмайди. Бинога фақатгина тиббиёт ходимларининг кириб-чиқиниши ижозат берилган. Ҳукумат шу йўл билан ҳозирча номаълум бўлган хасталикнинг кенг тарқалиб кетишининг олдини олишга ҳаракат қилмоқда. Мамлакатда эса шу пайтгача 600 га яқин киши ушбу касаллик билан оғирган ва улардан 60 нафари ҳаётдан кўз юмган.

ҚҮРБОНЛАР ДАФН ЭТИЛДИ

Душанба кuni Сребреница (Босния ва Герцеговина) шаҳрида замонавий Европа тарихидаги энг мудҳиш жиноят қурбонларини дафн этиш маросими бўлди.

БМТ томонидан хавфсиз анклав деб эълон қилинганга қарамай, 1995 йили Босния серблари Сребреница шаҳри атрофларини эгаллаб олиб, 7 мингга яқин мусулмон эркакларни қатл этишган эди. Душанба кuni 600 га яқин киши жасадаларининг қолдиқлари таниб олиниб, янги қабристонга қайта дафн этилди.

Болқондаги уруш туганинга 8 йил бўлган бўлса-да, Сребреница шаҳри атрофларида ҳануз номаълум қабрлар жуда кўп. Замонавий технология қўлланилаётганига қарамай, минглаб кишилар жасади ҳали таниб олинмаган.

ТЕРРОРЧИЛАР ХУРУЖИМИ?

Душанбадан сешанбага ўтар кечаси Техрондаги Буюк Британия элчихонаси биносига ёқилги тўлдирилган юк автомашинаси урилиб, портлаб кетган.

Воқеа жойида ҳалок бўлган ҳайдовчи Эрон энергетика вазирлиги ходими эканлиги аниқланган. Эрон полицияси вакиллари буни дастлаб йўл-транспорт ҳодисаси деб баҳолаган бўлсалар-да, кейинроқ хавфсизлик органи машина бортида кўп миқдорда ёниги бўлганлигини айтган.

Буюк Британия ички ишлар вазири Дэвид Бланкет мазкур ҳодисани террорчилик хуружи деб баҳолаш учун ҳозирча ҳеч бир асос йўқлигини айтган. Ушбу портлашдан элчихона ходимларидан ҳеч ким жабрланмаган.

Айни пайтда полиция элчихона атрофини ўраб олган. Таъкидлаш жоизки, жума кuni элчихона биноси ёнида Ироқдаги урушга қарши шиддатли намойишлар бўлиб ўтган эди. Намойишчилар элчихонага тошлар отиб, бир неча деразаларни чил-чил қилишган.

Эрон ташқи ишлар вазири К.Харрозий аҳолининг Ироқдаги коалиция кучларига нафрати ошиб бораётганлигини айтган эди.

КОЛУМБИЯНИК ИСЁНЧИЛАРГА ҚАРШИ

Венесуэла президенти Уго Чавес мамлакатнинг Колумбия билан чегарадош туманларини бомбардимон қилиш тўғрисида қўшинларга буйруқ берганлиги ҳақида баёнот берди. Унга кўра, мамлакатнинг Колумбия сўл исёнчилари ҳаракат қилаётган туманларига ҳужум уюштирилган. Исончилар билан Венесуэла ҳукумати ўртасидаги зиддиятлар тарихида биринчи марта қўлланилган ушбу операциялардан сўнг исёнчилар мамлакат ҳудудидан суриб чиқарилган.

Колумбия ва Венесуэла ўртасидаги чегара 2200 километрдан зиёд бўлиб, Уго Чавеснинг бундай ҳескин чора кўришига исёнчиларнинг Венесуэла ҳарбийлари постига ҳужум уюштирилганлиги сабаб бўлган.

Айни пайтда Венесуэла армиясининг илгор қўшинлари чегара яқинидаги туманларга жойлаштирилган бўлиб, ушбу ҳудудларда жанговар самолётларнинг узлуксиз соқчилиги ташкил этилган.

— Ҳеч қандай қуролли гуруҳлар, исёнчилар ёки Колумбия қуролли кучларининг Венесуэла ҳудудига киришига ҳаққи йўқ, — деган Уго Чавес.

ҚУРОЛ-ЯРОҒ ОМБОРИ ТОПИЛДИ

Душанба кuni АҚШнинг Ироқдаги қўшинлари марказий қўмондонлиги вакили иттифоқчилар Ироқ жанубида жуда катта қурол-яроғ ва ҳарбий жиҳозлар омборини эгаллаганлиги тўғрисида хабар тарқатди. Яқшанба кuni қўлга киритилган омбор қирқта бинодан иборат мажмуани ташкил этади. Унда кўп миқдорда ўқотар қуроллар ва ҳарбий жиҳозлар бўлган.

Бирок Ироқ томони ва мустақил кузатувчилар ушбу хабарни тасдиқлаганлари йўқ.

Нусоҳ



Италия. Рим кучаларида

ДИҚҚАТ! КИДИРУВ!

ЖИНОЯТЧИ КИДИРИЛМОҚДА

2003 йил 14 март кuni Қашқадарё вилоятининг Чирокчи тумани ҳудудидан ўтувчи Самарқанд-Ғузур йўлининг 70-71-километри оралиғидаги йўл четидан номаълум эркак кишининг жасади топилганлиги юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Дастлабки терговда жасад Тошкент шаҳри Миробод тумани Пирмухамедов кўчаси 69-уй, 1-хонадонда яшовчи Ғаниев Наил Фарғатович эканлиги аниқланди. Н.Ғаниев Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмга тегишли «КамАЗ-54112» русумли, ҳарбий рандаги, 25-43 ТШ ҳарбий номерли (двигатель рақами — № 504283) автомашинани тиркамаси (шоланда) билан Тошкент-Қарши-Тошкент маршрути бўйича бошқариб, 2003 йил 10 март кuni Тошкентдан йўлга чиққани, шу кuni Самарқанд шаҳрига етиб келгани маълум. Шундан кейин у номаълум шахслар томонидан бошига уриб ўлдирилиб, бошқарувдаги автомашина олиб кетилган ва жасад Чирокчи туманидаги «Кўкдала» жамоа ширкат хўжалиги ҳудудига йўл четида ташлаб кетилгани аниқланди. Олиб борилган терговда автомашина ва қотилини топиш имкони бўлмаган.

Қоридаги ҳолат бўйича бирон-бир маълумотга эга бўлган ёки воқеага беvosита тўғвоқ бўлган фуқаролардан 3-10-98 телефони орқали Чирокчи туман прокуратурасига мурожаат этишларини сўраймиз.

ЗЕБОНИ КЎРГАНЛАР БОРМИ?

Анджон вилояти Қўрғонтепа туман прокуратураси томонидан Қорасув шаҳри Амир Темур кўчасида яшаб келган, 1982 йилда туғилган Садриддинова Зебо Азодовнанинг 2003 йил 28 январь кuni уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмай бедарак йўқолганлиги ҳолати бўйича терговолди суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Унинг белгилари: бўйи 160-165 см., ўртача гавдаликда юзи думалок, сочлари қора, узунлиги 50 см, кўзлари қора қисик, бурни пучқ, бодом қоқоқ, оғзи кичкина, лаби юкка.

Эғнида бўлган кийимлари: бошида зангори рўмол, устида қизил кўйлак,товус (бардовий) рангли жимфер, оёгда хитой этиги, қўлида жигарранг чарм сумкаси бўлган. З. Садриддиновани кўрган ёки у ҳақда бирон-бир маълумотга эга бўлган фуқаролардан 3-15-51 рақамли телефон орқали Қўрғонтепа тумани прокуратурасига мурожаат этишларини сўраймиз.

НУҚУҚ

YURIDIK GAZETA

Ta'sischilar:

О'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va
Toshkent viloyati
prokuraturalari,
«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

**Abdulloq
ABDURAZZOQOV**

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir Sharofboyev
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Hasan Inoyatov,
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam ko'chasi, 66-uy, Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34.
Reklama va e'lonlar: 133-82-34
E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi. Korxonа manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma Г - 332
Nusxasi — 15677
Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:
H.NISHONOV
Musahhib: F.MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 17.00

KO'CHANING GAPI

Гўзал диёримизнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос ноз-неъматлари билан машҳур. Дашнобод ўзининг катта-катта анорлари билан донг таратган бўлса, Олтиариқ бодрингу турплари билан, Мирзачўл тилни ёрар ширин-шакар қовунлари билан машҳурдир. Жиззах вилоятининг Галлаорол туманида ҳам соҳибларига миннатдорчилик, «экскаваторнинг отасига раҳмат» қабилида дуо келтирадиган ноз-неъматлар етарли.

Шундай қилиб, бундан анча йиллар олдин Галлаорол даштларида деҳқончилик қилиб донг таратган Тошбой ва Неймат исмли деҳқон болболаримиз ўзлари етиштирган лалми тарвуз-қовунларни бир машинага юклаб, биринчилардан бўлиб қайдасан Самарқанд дея йўлга тушишибди. Самарқанднинг «Сибё» бозори уларни бағрикенглик билан қутиб олибди. Бошида уларнинг савдоси бироз юршмасда-да, кейинчалик суғорилмасдан, дори бермасдан етиштирилган тарвуз-қовунларнинг савдоси чаққон бўлиб кетибди. Орадан бир кун ўтиб, тушликка яқин Тошбой отамиз гап қотиб қолибди:

— Неймат, кун ҳам чошгоҳга яқинлаб қопти. Бир нима ейимизми?
Неймат тоғамиз ҳам вақт тушликка яқинлашиб қолганини сезиб, атрофга назар ташлабди. Ен-веридидаги сотувчилар ҳам тушлик таратдудуда у ёқ-бу ёққа югуриб қолишган, қўллари ноннинг устида ёки барг устида туҳумдан кичикроқ сап-сарик нарсани кўтариб ўтишарди.

— Тошбой ака, анави сариқ нарса

нима экан, ҳамма шундан еяпти?
— Бизам еб кўрайлик-чи, тоза яши нарсага ўхшайди.
Бироз вақт ўтиб дастурхонда ўша сариқ нарсадан бир талай пайдо бўлибди.
— Қани, Неймат, бошла-чи.
— Ҳа, энди Тошбой ака, сиздан

Нотаниш киши кўрпачага ўтириб дастурхондаги бўлиб ташланган, «қуртлаган» сариқ нарсаларни бирма-бир паққос тушира бошлабди. Бу қозлатни кузатиб турган Неймат тоғамиз Тошбой отамизнинг қўлигага шипшибди:
— Бечоранинг қорни тоза очакан-да, қуртлаганига қарамай «ураятти».

БУНГА ҲАМ ҚУРТ ТУШИБДИ

бўлсин.
— Ҳа, майли. Бисмилло... ия...
Тошбой отамиз сариқ нарсани қўлига олиб бўлиб кўрибди-да, бироз қараб туриб дастурхон четига қўйиб қўйибди.
— Бунга қурт тушибди. Қани, сен еб кўр-чи.
Неймат тоғамиз ҳам биттасини қўлига олиб бўлиб кўрибди-да, таажжубини яширолмабди:
— Бунга ҳам қурт тушибди.
Шу йўсин дастурхондаги ҳамма сариқ нарсалар бирма-бир бўлиниб, дастурхон четига уюб қўйила бошлабди. Охиригини бўлиб кўрган Тошбой отамиз Неймат тоғамизга норозилигини билдирибди.
— Нимага қуртлаганини оласан?
— Билмадим, ҳамма талашиб олаятти экан, мен ҳам олувдим.
Шу пайт бу тортишувни кузатиб турган самарқандлик бир киши уларнинг сўхбатига аралашибди:
— Иби, нима бўлди деҳқонбобо?
— Инсофдан эмас-да энди, қуртлаган нарсани алдаб сотиш.
— Қани-қани, бир кўрайлик-чи.

Охиригини еб бўлган нотаниш киши лаб-лунжини артиб, бақрайганча қараб турган икки деҳқонга раҳмат айтиб жўнаб қолибди. Буни қарангки, мезбонни меҳмон қилишга сабабчи бўлган ўша сап-сарик, «қуртлаган» нарсалар Самарқанднинг маълуму-машҳур асал сариқ анжирлари экан. Аслида эса улар қуртлаган, содда деҳқонларимизнинг кўзига ичидаги майда уруғи шундай кўринган экан. Шундан кейин ўша сариқ нарсадан яна олишиб, татиб кўришибди. «Жаннат меваси» дея таърифланадиган Самарқанд анжирлари уларга жуда ёқиб қолибди.
Едимда, яқин-яқингача ҳозирда оплоқ соқоли кўксига тушган ўша болболаримиз айнан анжир пишиғи мавсумида ким Самарқандга борса анжир ола келишни тайинлашни қанда қилмас эди.

Азимжон МАМАШАРИПОВ.
Жиззах вилояти

SHUNAQASI HAM BO'LADI

«МУБТАЛО БЎЛДИМ САНГА...»

«Мюнхаузен синдроми» дея аталувчи касаллик дунёда энг кам учрайдиган касалликлардан ҳисобланади. Мазкур касалликнинг моҳияти шундан иборатки, унга мубтало бўлган кишида бирор ери огримаса-да, даволанишга иштиёқ ниҳоятда кучли бўлади. Буюк Британия фуқароси Уильям Макилрой (1906 йилда тугилган) ушбу касаллик билан огрган энг ашаддий бемор саналади. Бемор сифатидаги 50 йиллик «фаолияти» давомида у Буюк Британия Миллий соғлиқни сақлаш хизматида тегишли 2,5 миллион фунт стерлинг пулнинг ҳавога совурилишига сабабчи бўлди. Ушбу мuddат 6 ойга тенгдир. 1979 йили Макилрой сўнгги бор тувагини бўшатгани олиб чиқди, касалхона ҳаётидан тўйганини маълум қилди ва Бирмингемдаги қариялар уйини қоралаб жўнади. Умрининг сўнгги йилларини у шу ерда ўтказди ва 1983 йилда вафот этди.

BU AJIB DUNYO

ҲАЗИЛ ҚИММАТГА ТУШДИ

Австриянинг Брегенз шаҳрилик Андреас Михавеч исмли 18 яшар йигитча билан бўлиб ўтган воқеа жуда қизик, Михавечни ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ — ҳалокатга учраган автомобилнинг йўловчиси бўлгани учунгина қамоққа тегишди. Бу 1979 йил 1 апрель куни содир бўлди. Ҳа, ҳа 1 апрель куни — чамаси, миршаблар бир ҳазиллашиб хумордан чиқмоқчи бўлишган. Ҳазил яхши нарса-ку, аммо... қамашга қамаб, шўрлик йигит ҳақида буткул унутишди. Михавеч қамоқ бўлмасида роппа-роса ўн саккиз кечакундузи сувсиз ва овқатсиз ўтказди. Фақат 18 апрель куни уни тасодифан топиб олишди — йигит ўлар аҳволда гужанак бўлиб ётгани устидан чиқишди.

FOYDALI MASLAHATLAR

Соябонингизни спиртта ботирилган юмшоқ чўтка билан тозалаг. Агар соябонингиз инак матодан тайёрланган бўлса, уни очиқ ҳолда қуритманг.

Тўқилган кийимларни кийим жавонига осиб қўйманг, улар чўзилиб ўз шаклини йўқотати. Тўқилган кийимларни жавонга ташлаб қўйган маъқул.

Ўтмасланган пичоқни чархлашдан олдин у намақобли идишга солиб қўйилса осон чархланади.

Уйдаги гиламлар янада тароватли кўринсин десангиз, гиламга майда туз сеппиб қўйинг. Эртаси куни тузни тоза нам латта ёрдамда артиб олинг.

Пахмоқ сочига ва халатлар ўз ҳолатини йўқотмасин десангиз, уларни ювгандан сўнг бироз вақт шўр сувга солиб қўйинг ва қуригандан кейин дазмолламанг.

ISHQ MADHI BU

ФУЗУЛИЙ

Курдим ул хуришди ҳуснин ихтиёрим қолмади,
Соятяк бир ерда дурмога қарорим қолмади.

Бир кун ўлмас талъатин кўрмак муяссар, оҳким,
Зарра ул гўл ёнида эътиборим қолмади.

Пок қилди суратимдан зағфр даҳр ойинасин,
Уйла маҳв ўлдимики, бир зарра гўборим қолмади.

Ғам куни ҳамдамларим фарқ ўлдирар кўз ёшича,
Силмая кўз ёшимни бир ғамеусорим қолмади.

Рўзгорим хуш кечурди, оҳ ким, даврон дўнуб,
Ўлди аҳволим зароб, ул рўзгорим қолмади.

Роҳи ишқ ичра манга анжақ фано мақсуд эди,
Шукрким мақсудда етдим, интизорим қолмади.

Эй Фузүлий, эл қаму атғирим ўлди ёр учун,
Сўзи билдан гайри бир дилсўз ёрим қолмади.

Республика Бош прокуратураси ва прокуратура органлари фахрийларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази жамоалари нафақадаги прокуратура ходими

Нариман АННЕНКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила-аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қашқадарё вилояти прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Довуд Маъдиевга онаси

ЗУБАЙДА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

AJABO

САМО БИЛАН БЎЙЛАШИБ

Дунёдаги энг кучли юк кўтарувчи кранлар Италиянинг «Оффичине мекханиче режане» компаниясига қарашли «Микопери — 7000» юк кемасига ўрнатилган. Амрико Қўшма Штатларининг «Херст энд Деррик» фирмаси томонидан лойиҳалаштирилган,

Италиянинг «Монфалконе» компанияси томонидан эса қуриб битказилган мазкур иккита юк кўтарувчи краннинг бўйи — 190, эни — 89 метрга тенг. Ҳар бири 6895 тоннагача юкни кўтаришга мўлжалланган.

Меҳнат тагидадир,
эй оқил, ҳар ганж,
Ганж топмас ҳеч кимса
тортмас эса ранж.

Абулқосим ФИРДАВСИЙ

9-саҳифа

ДОНОЛАР ДЕМИШКИ...

Дарду балога йўлиққанлар сизга ибрат бўлсин. Ўз вақтида содир бўлган зиёни бевақт келган фойдадан афзал билинг. Одамлар билан мурося-мадора қилинг. Ҳар жойда мадора билан бўладиган ишда тезлик қилманг. Дусту душман билан иноқ бўлинг. Ўз андозангиздан ташқари оёқ қўйманг.

Сиз мол-дунёга эмас, мол-дунё сизга хизмат қилсин. Аҳмоққа, мастга ва нодонга насиҳат қилманг. Насиҳатининг қабул қиладиганларга қилинг. Насиҳатингизни хор қилманг. Ўзгалардан пинҳона таом еманг. Қўл остингиздагиларга раҳмдил бўлинг. Бировнинг ризқига кўз тикманг.

Очлар рўбарўсида таом еманг. Очларга нониғизни дариг тутманг. Овқат пайтида бировни гийбат қилманг. Аёллар макридан эҳтиёт бўлинг.

Хусайн ХЕФЗИЙ

Адаб тождир, илоҳий нурдан ул,
Бу тожени кий,
сенса очиқ ҳамма йўл,
Мавлоно РУМИЙ

Билим булоғи	Кодиров			Ёқустион. дарё
	Қалбадга ўқинч	Таом	Нотик	Сўз туркуми
Конфет	Казаклар сардор			
	Узбекистон. Довон		Индонезия. Орол	Пардоз
Сатанг	Хашорат			
Исоҳор				Металл ип
Бобур ватани	Хайқирик		Эстрада гурӯҳи	
		Вақолат	Чингизхон қонуни	Ҳинду қабиласи
Фарёд	Фол	Тоғ жинси		
				Обёқ
	Дарё, Бирма	Эркақлар исми		Эрон қадимда
			Вулқон	
	«...ўқинчиси» (юнд б/ф)	Намоз тури		
Океан			Уй маллиқаси	